

ИСЛОҲОТЛАР НАФАСИ ҲАР БИР МАҲАЛЛАДА, ҲАР БИР ХОНАДОНДА СЕЗИЛИШИ КЕРАК



Муроджон АЗИМОВ,
Қашқадарё вилояти
ҲОКИМИ

**2025 йилда ВИЛОЯТДА
32 МИНГ 880 ОИЛАНИ
КАМБАҒАЛЛИКДАН ЧИҚАРИШ
БЕЛГИЛАНГАН ЭДИ. 167 МИНГ
ОИЛАНИНГ ТУРМУШ ШАРОИТИ
ЎРГАНИЛИБ, 87 МИНГТАСИ
“КАМБАҒАЛ ОИЛАЛАР
РЕЕСТРИ”ГА КИРИТИЛДИ. ШУНИНГДЕК, 61 МИНГ 800
ОИЛАГА БАРҚАРОР БАНДЛИК ЙЎНАЛИШИДА ХИЗМАТЛАР
КЎРСАТИЛДИ. РЕЕСТРДА ТУРГАН 53 МИНГДАН ЗИЁД ОИЛА
АЪЗОСИ КАМБАҒАЛЛИКДАН ЧИҚАРИЛДИ. КАМБАҒАЛЛИК
ДАРАЖАСИ 9,6 ФОИЗДАН 6,5 ФОИЗГА ТУШИРИЛДИ.**

Бошланиши 1-бетда

Инвестиция дастурлари доирасида қий-мат 2,2 миллиард долларлик 618 та лойи-ҳа ишга туширилди. Натижада 18 мингта барқарор иш ўрни очилди. Экспорт геогра-фияси 54 давлатни қамраб олди. Жумладан, давлатимиз раҳбари эътирофига сазовор бўлган “Алп техно сервис” МЧЖ жамоа-си халқаро брендлар остида телевизор ва мониторлар ишлаб чиқариб, экспорт қил-моқда. Жамоа бу йўналишда Озарбайжон, Қозоғистон, Россия, Қирғизистон билан кенг қўламада ҳамкорлик қилиб келаётир.

Жорий йилнинг дастлабки иш ҳафта-сини халқаро ҳамкорлик доирасидаги хайрли музокаралар билан бошладик. Делега-циямиз ўзаро манфаатли ҳамкорликни ри-вовжлантириш ва истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш мақсадида Германиянинг қатор шаҳарларида бўлди.

Хизмат сафари доирасида “Хайдел-берг — Қашқадарё иқтисодий форуми”, “Қашқадарё — Дюссельдорф иқтисодиёт ва ҳамкорлик форуми” сингари муҳим тад-бирлар ўтказилди. Шунингдек, Германия Сунъий интеллект тадқиқот маркази вило-ятимиздаги олий таълим муассасаларининг 50 талабаси учун 2 миллион евролик грант ажратадиган бўлди. Бу йил 2 миллиард дол-ларлик хорижий инвестицияни ўзлаштириш режалаштирилган.

Камбағаллиқни қисқартириш — алоҳида эътиборда

Аҳоли бандлигини таъминлаш ва кам-бағаллиқни қисқартириш бўйича ҳам воҳада тизимли ишлар қилинмоқда. Асосий мақса-димиз одамларни доимий даромадли қилиш-дан иборат.

Ўтган йили режадаги 518 минг ўрнига 578 минг фуқаронинг бандлиги таъминланди ва бу кўрсаткич солиқ базасида ҳам ўз ифодасини топди. Шу тарика ишсизлик даражаси 4,9 фоизга туширилди. Ишсиз ва иш қидираётган 29 мингдан зиёд фуқаро касб-хунара ва тadbиркор-лик йўналишида ўқитилди.

2025 йилда “Бир контур — бир маҳсу-лот” тамойили асосида юқори даромадли ва экспортбоп қишлоқ хўжалиги маҳсулот-ларини етиштириш бўйича 93 та лойиҳа амалга оширилди. Хусусан, мазкур тамойил асосида Касби тумани Денов маҳалласидagi 30 гектар ерга 73 та деҳқон хўжалиги кунга-боқар экди. Агротехник тadbирлар ўз вақти-да бажарилиши туфайли бир гектардан ўр-тача 50 миллион сўмдан соф фойда олинди.

Шунингдек, 44 та янги қишлоқ хўжалиги кооперативи ташкил этилиб, устaв фондига улуш сифатида киритиш учун 307 миллион сўмлик субсидия ажратилди. Деҳқон хўжа-ликлари ва томоққа ер эгалари фаолиятини қўллаб-қувватлаш жaмғaрмаси аҳоли хона-донлари ва деҳқон хўжалиқларига 1,7 мил-лиард сўмлик субсидия, 324 миллион сўм-лик грант маблагини берди.

2025 йилда вилоятда 32 минг 880 оила-ни камбағалликдан чиқариш белгиланган эди. 167 минг оиланинг турмуш шарoити ўрганилиб, 87 мингтаси “Камбағал оилалар реестри”га киритилди. Шунингдек, 61 минг 800 оилага барқарор бандлик йўналишида хизматлар кўрсатилди. Реестрда турган 53 мингдан зиёд оила аъзоси камбағалликдан чиқарилди. Камбағаллик даражаси 9,6 фо-издан 6,5 фоизга туширилди. Вилоятдаги 60 та маҳалла камбағалликдан холи ҳудудга айлантирилди. Бу йил 507 минг кишини до-имий ишга жойлаштириш, даромадини оши-риш ва яширин иш ўрнларини “соя”дан чиқ-ариш бўйича режалар ишлаб чиқилган.

Давлатимиз раҳбарининг вилоятимизга тaшрифидa давомидa берган топширiқлари асосида аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағаллиқни қисқартириш бўйича “Қама-ши тажрибаси” ишлаб чиқилди. Натижада 27 минг 774 камбағал оила, маҳалла раиси ва банк ўртасида уч томонлама шартнома ту-зилди ҳамда зарур хизматлар бириктирилди. Жумладан, 4672 фуқарони доимий иш билан таъминлаш чораси кўрилди. Шунингдек,



2682 кишига ер ажратилди, 4914 юрtdoши-миз касб-хунара ва тadbиркорликка ўқитилди. Оилавий тadbиркорлик дастурлари дои-расида камбағал оилаларнинг 3836 аъзосига 72,2 миллиард сўм-лик имтиёзли кредит берилди.

Бу йил лойиҳавий ёндашув асосида “Бир маҳалла — бир маҳсулот” тамойили-га кўра, юқори даромадли экспортбоп маҳ-сулотлар етиштирувчи маҳаллалар сонини 195 тага етказиш мўлжалланган. Хусусан, 36 маҳаллада қишлоқ хўжалиги маҳсулот-ларини етиштиришда аҳоли кўникмалари-ни ошириш учун уста-деҳқонлар ёлланади. Иختисослашувидан келиб чиқиб, 12 маҳал-лада намунали томоққалар ташкил этилади.

Бундан ташқари, 18 маҳалладаги аҳоли то-моққасида амалга оширилган энг намунали ва инновацион лойиҳалар учун грант ажра-тилади. Шунингдек, 2026 йилда 21 минг 628 оила камбағаллиқни қисқартиришга қa-ратилган хизматлар билан қaмраб олинади.

Йили якунигача камбағаллик даражасини 3,3 фоиз қисқартиришга эришилади.

Бу вазифаларни бажариш учун имконият ҳам, маблағ ҳам, қарорлар ҳам бор. Фақат қатъий интизом, масъулият ва шахсий жа-вобгарликни йўлга қўйиб, виждонан ишлаш зарур.

Аграр соҳа тараққиёти янги босқичда

Бугун ўзига хос аънъаналарга эга Қашқа-дарё деҳқончилик мактаби тобора ривожла-ниб, аграр соҳа тараққиёти янги босқичга кўтарилмоқда. Бунинг тасдиғини ўтган йили вилоятда 1 миллион тоннага яқин галла, 552 минг тонна пахта, 950 минг тоннадан ортиқ сабзавот ва полиз маҳсулотлари, 347 минг тонна мева ҳамда узум, 230 минг тонна кар-тошка, 2900 тонна пилла етиштирилгани ми-солида аққол кўриш мумкин. Чорвачиликда 522 миллиард сўмлик 251 та лойиҳа амалга оширилиб, чет элдан 15 минг бош қорамол, 50 минг бош қўй олиб келинди.

Келгусида ҳам гўшт ва сут етиштириш ҳажмини ошириш, чорвачиликда наслич-ликни яхшилаш, хориждан зотдор моллар-ни олиб келиб кўпайтириш бўйича изчил

Қашқадарёда лоқайдлик, ўзибўларчилик, боқибегамлик ва масъулиятсизлик бир оғиз сўз билан “орқайинлик” деб аталади. Бу иллат маҳалла-қўй орасида ҳам қаттиқ қораланади. Орқайин одамга туртки ва қўмак берилади, тўғри йўл кўрсатилади, ташаббускор кишиларга эргаштирилади. Бу эзгу аънъанани ҳар бир ҳудудда давом эттираимиз.

Бунёдкорлик манзиллари

Бугун Қашқадарё улкан бунёдкорлик май-донига айланган. Қурувчилар азму шижоа-ти билан шаҳару қишлоқларимиз қиёфаси кун сайин кўркамлашмоқда. Янги бино ва иншоотлар, йўллар, кўприклар, инфраструктура объектлари барпо этилмоқда. Жумладан, ўтган йили вилоятимизда 176 та кўп қаватли уй-жой қуриш белгиланган эди. Амалда 208 таси фой-даланишга топширилди. Жорий йил уй-жой дастури бўйича 7510 хонадонли кўп қават-ли уй-жойлар қурилиши мўлжалланган.

Ҳисор тоғлари бағридаги Мираки ту-ризм маҳалласи бугун нафақат воҳамиз ва мамлакатимиз, балки хорижлик сайёҳлар билан ҳам гавжум гўшага айланди. Кечаги-на Окдарё қирғоғи бўйлаб бетартиб чўзи-либ кетган кўримсиз сўпалар, қурум бoстан қозон-ўчоқлар ўрнини бугун замонавий меҳмонхоналар, хостеллар, меҳмон уйла-ри эгалламоқда. “Мираки” МФИдаги 240 гектарли “Шахрисабз” туристик марказида умумий 1050 ўринга мўлжалланган иккита 3 юлдузли меҳмонхона, хостел ва сав-до-кўнгилочар маркази, автотурар-гоҳ ҳамда ресторан ишга туши-рилди.

Ўтган йили вилоятда 6 та меҳмонхона, 15 та хостел ва 26 та меҳ-мон уйи ташкил этилди. Шу та-риқа туризм соҳасида 1283 та



Кашқадарё — аграр вилоят, лекин энди эски усуллар билан юқори натижага эришиб бўлмайди. Президентимиз кўрсатмаларидан келиб чиқиб, қишлоқ хўжалигидаги ислохотларни жадаллаштириш йўлида энг муҳим вазифаларни белгилаб олганмиз. Аввало, минтақамизда йилдан йилга кучайиб бораётган сув танқислиги шароитида заҳираларнинг ҳар қатрасидан унумли фойдаланишимиз шарт.

Табийийки, бунда сон билан бирга сифатга ҳам алоҳида эътибор берилади.

Транспорт соҳасида ҳам аҳолига қўйлаб қу-лайликлар яратилмоқда. Жумладан, 2025 йили замонавий 26 та автобус ва 39 та микроавтобус харид қилиниб, тегишли йўналишларга қўйил-ди. “Қарши автошоҳбекати” қуриб битказилди, 65 та оралиқ бекат қурилди ва реконструкция қилинди. Қарши ва Шахрисабз шаҳарларида 75 та оралиқ бекат қуриш ва реконструкция қилиш кўзда тутилган.

Шунингдек, 2025 йили йўл қурилиши ва таъмирлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Жумладан, 1391 километр автомобиль йўли ва 9 та кўприк реконструкция қилинди ҳамда таъ-мирланди. Жорий йилда тегишли давлат дас-турлари асосида 435,5 километр йўл таъмирла-нади ҳамда 27 та кўприк қайта қурилади.

Туризм драйвер соҳалардан бирига айланмоқда

Бугун меҳнаткаш халқимизнинг дунёқа-раши, онгу шуури, ҳаётга муносабати ўзгар-моқда, яшашга иштиёқи ошмоқда. Одамлар

яхши ишлаган киши яхши дам олиши зарур-лигини тобора кўпроқ англаб бораётир. Ай-тайлик, сўлим табиат қўйнида мароқли ҳор-диқ чиқариш, меҳнат жамоаси ҳамда оила аъзолари билан саёҳатга чиқишини аънъанага айлантириб бораётир.

Ҳисор тоғлари бағридаги Мираки ту-ризм маҳалласи бугун нафақат воҳамиз ва мамлакатимиз, балки хорижлик сайёҳлар билан ҳам гавжум гўшага айланди. Кечаги-на Окдарё қирғоғи бўйлаб бетартиб чўзи-либ кетган кўримсиз сўпалар, қурум бoстан қозон-ўчоқлар ўрнини бугун замонавий меҳмонхоналар, хостеллар, меҳмон уйла-ри эгалламоқда. “Мираки” МФИдаги 240 гектарли “Шахрисабз” туристик марказида умумий 1050 ўринга мўлжалланган иккита 3 юлдузли меҳмонхона, хостел ва сав-до-кўнгилочар маркази, автотурар-гоҳ ҳамда ресторан ишга туши-рилди.

Ўтган йили вилоятда 6 та меҳмонхона, 15 та хостел ва 26 та меҳ-мон уйи ташкил этилди. Шу та-риқа туризм соҳасида 1283 та

иш ўрни очилди. Бун-дан ташқари, Қамаш ва Ки-тобда 3 та кемпинг; Шахрисабз ва Китоб туманларида 40 та капсула уй тadbиркорлар томонидан бунёд этилди. Яна 15 та туропе-ратор фаолияти йўлга қўйилиб, улар сони 66 тага етказилди.

2025 йили вилоятда 3,6 миллион маҳал-ли, 604 минг хорижлик сайёҳ келди. Шу билан туризм хизматлари экспортни қийма-ти 121 миллион долларга етди. Бу йил 3,7 миллион маҳаллий, 620 минг нафар хориж-лик сайёҳлар келиши ва туризм экспорти қиймати 124 миллион долларга етиши ку-тиляпти. Бундай дейишга етарли асослари-миз бор.

Икки йил аввал Шахрисабздаги “Мираки” МФИга “туризм маҳалла”си, ўтган йили Китобдаги Башир, Қайнар ва Шахрисабздаги Гелон қишлоқларида “ту-ризм қишлоғи” мақоми берилди. Жорий йилда Китоб туманидаги Жайрақхона ва Яқкабoғ туманидаги Татар қишлоқлари “туризм қишлоғи”га айлантирилди. Қола-вермас, Қарши шаҳрида Насан кўчаси ва “Ва-танларвар” боғи ҳудудида 24/7 режимида фа-лият юритувчи 2 та гастрoном кўча ташкил этилди. Бундай кўчалар аҳоли ва сайёҳлар учун мазали таомлар истеъмол қилиш, айла-ниб дам олиш имконини беради. Жорий йил-да бундай кўчалар сони 12 тага етказилди.

Туристлар сони ошиши натижасида Шахри-сабз — Тошкент йўналишидаги самолётлар ўтган йилдан ҳафтасига 6 марта қатнамоқда.

Бу йил “Шахрисабз” туристик марказида қиймати 500 миллиард сўмлик 13 та лойиҳа-ни амалга ошириш, бу орқали 300 та янги иш ўрни очиш кўзда тутилган. Шунингдек, “Май-данак баланд тоғ” туристик марказида умумий қиймати 49,3 миллиард сўмлик лойиҳа амалга оширилмоқда. Бу ҳам сайёҳлик соҳаси ривож-жига ўзига хос ҳисса бўлиб қўшилади. Шу билан бирга, Қамашинда 65,7 гектар, Ғуздор 42 гектар ҳамда Шахрисабз тумани Ҳисорак — Гелон йўли бўйида 16,3 гектар майдонда туризм инфраструктураси ривожлантирилди. “Чимкўрoғи” ва “Пачкамар” сув омборлари-нинг асосий фаолиятига таъсир этмайдиган ҳудудлариди шу туризми ташкил қилинади.

Қарши шаҳрига келадиган туристлар учун Ерқўрoғ тарихий шаҳрининг очиқ

осмон остидаги музей қўриқхона-археоло-гик парк бунёд этилаётгани ҳам ўзига хос янгилик. Қашқадарё тарихи ва маданияти давлат музейини “Ватанларвар” боғидаги музей биносига қўчириш орқали вилоятда ягона ихтисослашган замонавий музей таш-кил этиш режалаштирилган.

Тиббиётдаги ўзгаришлар — самарадорлик кўзгуси

Кейинги йилларда соғлиқни сақлаш тизимида туб ўзгаришлар юз бермоқда. Халқимиз ислохотлар самарадорлигига, энг аввало, тиббиётдаги ўзгаришларга қараб баҳо беради деган ёндашув соҳа ҳодимла-рини янада масъулият билан ишлашга унда-моқда.

Тиббий хизматнинг халқаро тажрибага асосланган, тизимни аҳолига яқинлаштириш-га қаратилган янги модели жорий этиляпти. Соҳага бюджетдан ажратилаётган маблағ бир неча қарра ошди. Хусусан, вилоятимизнинг ўзида тиббиётда давлат бюджетидан йилига 3 триллион сўм маблағ сарфланмоқда.

2025 йили 7000 дан ортиқ юқори техно-логик жарроҳлик ўтказилди. Китоб ва Касби туманларида илк бор буйрак транспланта-цияси муваффақиятли бажарилди. Хусусий тиббиёт ҳам жадал ривожланмоқда. Вилоят-да бундай муассасалар сони 748 тага етди. Тиббий туризм салоҳияти ошмоқда. Бошқа вилоятлар, қўшни давлатлардан ҳам бемор-лар даволаниш учун воҳадаги нуфузли кли-никаларга мурожаат қилаётир.

Давлатимиз раҳбари Шахрисабз шаҳрида очилган “Оқсарой” клиникаси билан тани-шиб, бундай инновацион муассасалар тиб-биётда сифат, дунёқарашни ўзгартириши, бошқаларни ҳам трансформацияга ундаши-ни алоҳида таъкидлади. Бу ердаги тизимни андоза қилиб, республиканинг барча ҳу-дудида шундай клиникалар ташкил этиш бўйича алоҳида кўрсатма берди.

Рақамлаштириш йўналишига 18 мил-лиард сўм ажратилиб, барча тиббиёт му-ассасаларида ягона ахборот тизими жо-рий этилди. Янги тизим жорий қилинган Китоб туманида тиббиёт бригадалари ва аҳоли ўртасида икки томонлама шартно-ма тузилди. Натижада аҳолининг бир-ламчи бўлинга мурожаати 30 фoиздан 70 фoизга ошди, туман ёки вилоят шифохо-наларига мурожаат 35 фoиз қамайди.

Қашқадарё тажрибаси асосида тибби-ёт бригадаларини рағбатлантириш йўлга қўйилгани сабабли 250 фуқарода онколо-гик касалликлар эрта бoсқичда аниқланиб, 40 миллиард сўм тежалди.

Бундан кейин ҳам бирламчи бўлин, юқo-ри технологик тиббий ёрдам турларини кенгайтириш, рақамлаштириш, хизматлар шафoфoғлигини ошириш, тиббий сугуртани тақомиллаштириш устувор масала бўлиб қо-лади. Асосий мақсадимиз — халқни тиббиёт тизими хизматидан рози қилиш.

Ҳамжихатлик, тарбия ва адолат маскани

Вилоятимиздаги тизимли ишлар натижа-сида 66 та маҳалла ишсизликдан, 379 таси жиноятчиликдан, 235 таси ажрашишдан холи ҳудудга айлантирилди. Ўтган йили ажрашил-ди 3500 дан зиёд оила яраштирилди.

“Обод хонадон”, “Обод кўча” ва “Обод маҳалла” мезонлари бўйича кенг қўламли тadbирлар ўтказилди. Вилоятдаги ҳар бир туман ва шаҳар ҳудудида биттадан маҳалла сервис компанияси фаолияти йўлга қўйил-либ, аҳолига қўйлаб турдаги хизматлар кўр-сатиб келинаётир.

“Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш йили”да маҳаллаларни меҳр-оқи-бат, ҳамжихатлик, тарбия ва энг муҳими, адо-лат масканига айлантириш каби йўналишлар-даги фаолиятимиз кўлами янада кенгайди.

Бирлик, ишонч ва фидойилик

Президентимиз таъкидлаганидек, “Бел-ни маҳкам бoғлаб ишга киришсак, биз ололмайдиган марра, биз забт эта олмай-диган довоннинг ўзи йўқ. Амир Темурад буюк аждодимиздан жасорат, матонат, бағрикенглик каби фазилатларни мерос қилиб олган меҳнатсевар, самимий ва олижанoб Қашқадарё ахли билан олди-мизга қўйган катта-катта марраларга албатта эришамиз. Аминманки, қақша-дарёликлар барча ислохотларимизнинг олдинги сафида бўлади”.

Бугун олдимизга мана шундай катта мақ-садларни қўйганмиз. Лекин улар фақат бир шарт билан амалга ошад — бирлик, ишонч ва фидойилик билан!

Қашқадарёда лоқайдлик, ўзибўларчилик, боқибегамлик ва масъулиятсизлик бир оғиз сўз билан “орқайинлик” деб аталади. Бу ил-лат маҳалла-қўй орасида ҳам қаттиқ қорала-нади. Орқайин одамга туртки ва қўмак бери-лади, тўғри йўл кўрсатилади, ташаббускор кишиларга эргаштирилади. Бу эзгу аънъа-нани ҳар бир ҳудудда давом эттираимиз. Воҳадаги ҳар бир туман, ҳар бир маҳалла, ҳар бир хонадонда одамлар ислохотлар нафа-сини чуқур ҳис қилиши керак. Ҳар бир масъул уйғониши, зиммасидаги масъулиятни, элдош-лари олдидаги бурчини ҳис қилиб ишлаши ра-рур. Муздаомиз — шу! Ани шунда Президе-нтимиз белгилаб берган стратегик мақсадларни ҳаётга тўлақонли тaтбиқ эта оламиз.



Ақли материаллар ва нанотехнологиялар энергетика, соғлиқни сақлаш ва sanoat соҳалари учун янги имкониятлар очади. Айниқса, экологик хавфлар юқори бўлган Оролбўйи худудиде энгил, чидамли ва функционал материалларни яратиш бўйича илмий ишланмалар амалий аҳамият касб этади.

НИГОХ 5

2026 йил 7 февраль, 26-сон

Нуқтаи назар

Ўзбекистон Республикасида фуқароларнинг виждон эркинлигини таъминлаш ва диний соҳадаги давлат сиёсати концепцияси умумжамят манфаатларини инобатга олган ҳолда, дин ва давлат муносабатларини шаффоф, адолатли ҳамда барқарор асосда юритишга хизмат қилувчи муҳим меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатдир.

ДИНИЙ БАҒРИКЕНГЛИК ВА ВИЖДОН ЭРКИНЛИГИ

мамлакатимиздаги ўзгаришларнинг муҳим йўналишларидан



Хусниддин АХМЕДОВ,
Дин ишлари бўйича қўмита
хузуридаги Диний-маърифий
соҳада малака ошириш ва
қайта тайёрлаш институти
директори, сиёсий фанлар
доктори, профессор

Мазкур концепцияда белгиланган мақсад ва вазифалар, айниқса, бутун дунёда глобаллашув жараёни низолатда авж олган ҳозирги даврда янада муҳим аҳамият касб этмоқда. Президентимиз бу ҳақда БМТнинг 78-сессиясида сўз юритиб, "...Сўнгги пайтларда айрим мамлакатларда кўзга ташланаётган диний тоқатсизлик, исломофобия ҳолатларига асло йўл қўйиб бўлмайдиган деб ҳисоблаймиз", дея бежиз таъкидламаганди. Бу борадаги муҳораба қуроли турли жойлардан келаётган ёт мафкуралар ҳамда айрим фуқаролар, хусусан, ёшлар орасида илгари сурилаётган, улар онгига зимдан сингдирилаётган турфа ғоялардир. Ким бу майдонда лоқайд бўлса, онги ва суверенлигини йўқотиб, мустамлакага айланади. Шунинг учун эътиқод муҳофазаси бутун ҳар қачонгидан кўра алоҳида эътиборга муҳтож.

Ҳа, бутун онг учун глобал курашда эътиқод энг катта ҳужум остида. Шу боис, энди соҳа вакиллари малакасини ошириш, уларга суверен, демократик, ҳуқуқий, ижтимоий ва дунёвий давлат тамойиллари ҳамда қадриятларини сингдириш, ахборот муҳитини тўғри аниглаш қобилиятини шакллантириш ҳаётий заруратга айланган.

Сўнгги йилларда янги Ўзбекистонда шаклга эмас, моҳиятга, оқибатга эмас, сабабга эътибор қаратилмоқда. Бу жиҳатдан Президентимизнинг 2025 йил 21 апрелдаги "Фуқароларнинг виждон эркинлиги ҳуқуқи кафолатларини янада мустаҳкамлаш ҳамда диний-маърифий соҳадаги ислохотларни янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармонини қатор сабабларга кўра, маънавий хавфсизлик доктринаси дейиш мумкин.

Биринчидан, ўзида халқ манфаати, инсон қадри борасидаги эътиқодларни қўйган аини фармон соҳа ҳодимларининг малакасини муайян изчиллик асосида ошириш боришни давлат сиёсати даражасига кўтарди. Фармонга асосан ташкил этилган Диний-маърифий соҳада малака ошириш ва қайта тайёрлаш институтида тахсил олаётган тингловчиларнинг мутаассиблик ва радикализм каби экстремистик ғояларга қарши турувчи мутахассисларга айланиши учун барча имконият яратилган.

Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 27 августдаги "Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитаси хузуридаги Диний-маърифий соҳада малака ошириш ва қайта тайёрлаш институти фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори эса илмий муассасалар интеграцияси, модулли ва масофавий таълим, баҳолаш ва аккредитация тизими, халқаро ҳамкорлик платформасини янги белгилаб берган фармоннинг амалий дастури бўлди.

Айни шу ҳужжатлар соҳа ҳодимларининг ролини ўзгартириб, уларни жамият онги ва фуқаролар эътиқодини муҳофиза қилувчи посбонларга айлантиришга хизмат қилмоқда. Янги Ўзбекистонда бу ҳужжатлар асосида нафақат исломшунослик, балки эътиқод маданияти ҳам қайта шаклланимоқда. Шунинг учун малака ошириш курсларида тақдим этилган модулли орқали Конституция, қонунилар ва демократик тамойиллар мазмун-моҳияти ўрганилади. Геосиёсий таҳдидлар ва ахборот манипуляциясига қарши туриш, ҳуқуқ, психология ва ёшлар билан ишлаш кўникмалари ҳосил қилинади.



қайта қуришдир. Илгари бу йўналишдаги фаолиятни турли идоралар тўрача олиб юритган: ягона методика, ягона стандарт ва ягона баҳолаш тизими мавжуд бўлмаган.

Фармонда ҳодимлар тайёргарлиги оддий идоравий вазифа сифатида эмас, балки миллий манфаатлар даражасида белгилаб берилган. Унда таълимнинг модулли тизимини жорий этиш назарда тутилган бўлиб, бу тизим ҳар бир тингловчи эҳтиёжига мос дастурни танлаш имконини беради, фанларнинг интеграцияси таъминлайди. Малака даражасига қараб сертификатлаш имконини яратди.

Бу жаҳон амалиётидаги узлуксиз таълим моделини жорий этиш деганидир. Мазкур тизимдан қувват олган, соғлом фикрли мутахассис радикал ғояларнинг илдинини қури-тади. Ёшларнинг қалбида эҳтиром уйғотоди, жамиятда ишонч муҳити ва бағрикенгликни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Тўғривчидан, фармонда замонавий рақамли инфратузилмадан фойдаланиш зарурлиги алоҳида қайд этилган. Ҳодимлар учун онлайн курслар, видеомаърузалар, тестлар ва сертификатлаш тизими ишга туширилиши, маҳаллий ва хорижий экспертлар иштирокида гибрид форматдаги ўқувлар ташкил этилиши кўзланган. Бу таълим самарадорлигини ошириш билан бирга вилоятлар ва чекка ҳудудлардаги диний соҳа ҳодимлари учун ҳам тенг имконият яратди.

Фармон ижроси доирасида мазкур йўналишда амалий ишлар бошланиб, ҳодимлар учун масофавий таълим имкониятлари ҳозирланмоқда. Онлайн платформалар орқали ўқув курслари ва видеомаърузалар ташкил этилиб, тингловчиларнинг билим даражаси баҳолаб боришмоқда.

Фаолият бошланганга кўп бўлмаган институтида фармон ва қарор талабларига кўра соҳада доир миллий таълим стандартини ишлаб чиқиш йўлида қизгин меҳнат қилинмоқда. Зарур фанларни ўқитишда ягона методика ва терминология таъминоти чораси қўрилмоқда. Шу мақсадда институтда ишлаб чиқилган ўқув режа ва дастурлар, методик қўлланмалар ҳамкор ташкилотлар

тавсияси ҳамда тингловчилардан олинган сўровномалар таҳлили ва бутуннинг талабларидан келиб чиқиб тубдан янгиланди.

Бундан ташқари, соҳада етук маҳаллий олимлар, мутахассислар ва амалиётчи диний соҳа ҳодимлари иштирокида ишчи гуруҳлар ташкил этилди. Ўшбу гуруҳлар миллий илмий асосларга таянган ҳолда фанлар бўйича ягона ёндашуви шакллантириш, ўқув мазмунини тизимлаштириш ва атамалардан фойдаланишда ягона стандартни белгилаш бўйича ишларни давом эттирмоқда.

Бешинчидан, фармонда белгилаб берилган мазкур ишлар якунланиши натижасида таълим тизимида ягона методика ва терминологияга асосланган, илмий жиҳатдан пухта ишлаб чиқилган миллий стандарт яратилиши кутилмоқда. Бу эса ўқитиш сифатини ошириш, таълим жараёнида бир хиллик ва узвийликни таъминлашга хизмат қилади.

Фармон эътиқод эркинлиги моделининг ҳуқуқий асоси ҳамдир. Бу ҳужжат туфайли диний соҳа ҳодимлари илмий, маданий ва ахлоқий етакчилик айланади. Жамият маънавий барқарорлик ва тотувлик муҳитининг ҳақиқий соҳиби бўлади. Давлат ислом маърифати орқали ўзининг халқаро имнанини мустаҳкамлайди.

Ҳозир институтида ҳар ойда 7-8 гуруҳ "Янги Ўзбекистон" феномени ва уни барпо этишга оид ислохотлар, "Ўзбекистон — 2030" стратегиясининг мазмун-моҳияти, давлат ва дин муносабатлари, Ўзбекистонда фуқароларнинг виждон эркинлигини таъминлаш, хавфсизлик ва ташқи сиёсатнинг устувор

ИЛМ-ФАННИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ТИЗИМЛИ ЁНДАШУВ ВА СОҶАВИЙ УСТУВОРЛИК



Аҳмед РЕЙМОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Фанлар академияси
Қорақалпоғистон бўлими
раиси, академик

Давлатимиз раҳбарининг 2025 йил 27 декабрдаги "Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорини миллий илм-фан тарихида янги даврни бошлаб берган, мазмун-моҳияти, қўламини ва стратегик аҳамияти жиҳатидан чинакам тарихий қарор сифатида баҳолайман. Зотан, ушбу қарор билан илм-фан соҳасига нисбатан ёндашув тубдан ўзгарди. Фанлар академияси фаолияти давлат тараққиётининг устувор йўналишлари билан узвий боғланиши ва илмий салоҳиятини реал иқтисодиёт, ижтимоий барқарорлик ҳамда миллий тараққиёт манфаатларига хизмат қилдиришнинг аниқ механизми белгиланди.

Қарорда 2030 йилга қадар Фанлар академияси томонидан амалга ошириладиган илмий тадқиқот ишларининг устувор йўналишлари аниқ белгилаб берилгани, айниқса, муҳим. Бу йўналишлар мамлакат тараққиётининг узоқ муддатли эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда шакллантирилган ва Қорақалпоғистон Республикаси учун ҳам алоҳида аҳамият касб этади. Чунки Оролбўйи худуди табиий-экологик, ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан ўзига хос. Демак, илмий ечимлар ҳам шу худуднинг реал шaroитига мос бўлиши талаб этилади.

Биотехнология ва ген муҳандислиги соҳасида белгиланган устувор вазифалар Қорақалпоғистон учун, айниқса, долзарб. Аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, кишлоқ хўжалигида ҳосилдорлигини ошириш, шўрланиш ва иқлим ўзгариши шaroитига мос экан турларини яратиш, превентив тиббиёт ва фармацевтика ечимларини ишлаб чиқишда ушбу йўналиш ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Қорақалпоғистон олимлари томонидан бу борада қилинаётган тадқиқотлар мазкур қарор асосида белгиланган вазифалар билан тўлиқ уйғун ҳолда давом эттирилади.

Ақли материаллар ва нанотехнологиялар энергетика, соғлиқни сақлаш ва sanoat соҳалари учун янги имкониятлар очади. Айниқса, экологик хавфлар юқори бўлган Оролбўйи худудиде энгил, чидамли ва функционал материалларни яратиш бўйича илмий ишланмалар амалий аҳамият касб этади. Бу йўналишда ФАнинг Қорақалпоғистон бўлими республика илмий марказлари билан ҳамкорликда тадқиқотларни кенгайтириш мақсад қилган.

Сунъий интеллект, Big Data ва квант технологиялар соҳасидаги тадқиқотлар экология мониторингинг, сув ресурсларини бошқариш, таълим ва соғлиқни сақлаш тизимларини рақамлаштиришда янги босқични бошлаб беради. Қорақалпоғистон шaroитида бу, аввало, экологик ҳолатни доимий кузатиб бориш, биологик хилма-хилликни таҳлиллаш ва қарор қабул қилишда илмий асосланган рақамли моделлардан фойдаланиш имконини яратди.


Қайта тикланувчи ва водород энергетикаси, "яшил" технологиялар соҳасидаги устувор йўналишлар Қорақалпоғистон учун стратегик аҳамиятга эга. Куёш ва шамол энергетикаси имкониятларидан самарали фойдаланиш, ресурс тежамкор ва чиқиндисиз технологияларни жорий этиш орқали худуднинг экологик барқарорлигини таъминлашда илм-фан ҳал қилувчи ўрин тутди.

Тупроқ шўрланишига қарши курашиш ва тоза сув масаласи бутун дунёда бўлгани каби бизнинг минтақада ҳам ҳаётий аҳамиятга эга. Ер ресурсларидан барқарор

фойдаланиш, тупроқ хариталарини яратиш, сув танқислиги шaroитида оқилонга сув бошқаруви ва тозалаш технологияларини илмий асослаш бўйича тадқиқотлар ушбу қарорда белгиланган устувор йўналишлар билан тўлиқ уйғун ҳолда амалга оширилади.

Ядровий фан ва радиацион технологиялар, рақамли табиат, сейсмик хавфсизлик соҳаларидаги тадқиқотлар ҳам Қорақалпоғистон учун муҳим бўлиб, табиий хатарларни камайтириш, экотизимларни муҳофаза қилиш ва аҳоли хавфсизлигини таъминлашга хизмат қилади.

Миллий тарих, жамият ва маънавий мерос, рақамли қўлёзмаларни ўрганиш бўйича белгиланган устувор йўналишлар эса Қорақалпоғистоннинг бой тарихий-маданий меросини илмий асосда тадқиқ этиш, уни



замонавий рақамли форматларда жаҳон жамоатчилигига тақдим этиш имконини беради.

Мазкур тарихий ҳужжат узоқ тайёргарлик ва кенг муҳокамалар натижасида шаклланди. Илмий фаолиятни ривожлантиришда замонавий талабларга мос инфратузилма ва моддий-техник база муҳим аҳамиятга эга экани аниқ бўлди. Шу нуқтаи назардан, ўтган йил давомида бўлим биноси ва унинг моддий-техник базасини тубдан янгилаш масаласи устувор вазифа сифатида кўриб чиқилди.

Йиллар давомида йиғилиб қолган ишлар ва техник муаммоларни бартараф этиш мақсадида Фанлар академияси Қорақалпоқ табиий фанлар институтида 14 миллиард сўмлик йирик капитал таъмирлаш ишлари

бажарилди. Бу нафақат лабораториялар ва илмий ишлар учун замонавий шaroит яратиш, балки олимлар учун муносиб меҳнат муҳитини шакллантириш ва илмий тадқиқотлар самарадорлигини ошириш имконини ҳам берди.

Шу тарзда амалга оширилган инфратузилма ислохотлари ушбу қарорнинг молиявий ва ташкилий жиҳатдан самарали ижроси учун мустаҳкам пойдевор вазифасини бажарди. Қарор қабул қилиниши эса бу тайёргарликларнинг самарали натижаларини кенг миқёсда илмий-амалий вазифаларни амалга ошириш, халқаро ҳамкорлиқни ривожлантириш ва замонавий лаборатория лойиҳаларини йўлга қўйиш имкониятига айлантирди.

Бу тасодифий ёки бир кунлик ташаббус сифатида қабул қилинган ҳужжат эмас. Унга ҳақ муудатли таҳлиллар, соҳавий муҳокамалар ва аниқ мақсадларга қаратилган музокаралар олиб борилди. Илм-фанни ривожлантиришда тизимли ёндашув айнан шу жараёнда шаклланди ва кенгайтирилган давлат сиёсати даражасида мустаҳкамланди. Қарор мазмунинда акс этган вазифалар, аввало, ҳудудий илмий салоҳиятини глобал илм-фан маконига интеграция қилиш, халқаро тажриба ва инновацион ёндашувларни амалиётга жорий этишга қаратилгани билан аҳамият ятди.

Келгуси йилларда Фанлар академиясининг бўлими халқаро ҳамкорлиқни кенгайтиришни устувор стратегик вазифа сифатида белгилаб олмақда. Жумладан, Хитой Фанлар академияси Шинжон Экология ва география институти олимлари билан қўшма илмий лойиҳа ва дастурларни амалга ошириш режалаштирилган. Мазкур ҳамкорлик кишлоқ хўжалиги, биотехнология ва экология соҳаларида илмий тадқиқотларни чуқурлаштириш, замонавий илмий ечимларни маҳаллий шaroитга мослаштириш ҳамда инновацион ишланмаларни амалиётга жорий этиш учун мустаҳкам замин яратди.

Шу билан бирга, ёш олимлар ва тадқиқотчилар ўртасида тажриба алмашиш дастурларини йўлга қўйиш, қўшма илмий семинарлар, стажировкалар ва малака ошириш лойиҳаларини ташкил этиш орқали илмий кадрлар салоҳиятини юксалтириш кўзда тутилган. Бу жараён нафақат билим ва тажриба алмашинуви таъминлайди, балки янги илмий мактаблар шаклланишига, ёш авлоднинг халқаро илм-фан муҳитида рақобатдор бўлиб етишишига хизмат қилади.

Бундан ташқари, Татаристон Республикаси Фанлар академияси билан табиий фанлар йўналишида икки томонлама ҳамкорлиқни кенгайтириш муҳим йўналиш сифатида белгиланган. Қўшма тадқиқот лойиҳаларини амалга ошириш, лабораториялар ўртасида тажриба ва маълумот алмашиш механизмларини такомиллаштириш орқали фундаментал ва амалий тадқиқотлар сифатини янги босқичга олиб чиқиш мақсад қилинган. Бу ҳамкорлик илмий натижаларни тизимли равишда иқтисодиёт ва ижтимоий соҳалар билан боғлаш, фаннинг амалий қийматини янада ошириш имконини беради.

Айнан шу каби аниқ режалар ва пухта тайёргарлик қарор қабул қилинишига мустаҳкам асос бўлиб хизмат қилди. Зеро, илм-фанни ривожлантиришда тизимли ёндашув айнан шундай узлуксиз жараён — таҳлил, музокара, халқаро тажриба ва аниқ мақсадларга асосланган ҳаракатлар назарда тутилди. Шу боис, бу борада белгиланган вазифаларни тўлиқ ва сифатли амалга ошириш, Оролбўйи худудининг барқарор ривожланишига хизмат қиладиган илмий тадқиқотларни янада кенгайтириш мамлакатимиз фаровонлигини, илм-фанни нуфузини янада юксалтириш шубҳасиз.

